Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

17 июнь 1971 йил, пайшанба ◆ № 138 (15.008). ◆ Баҳоси 2 тийин.

1971 ЙИЛ 13 ИЮНДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти

1971 йил 13 июнь якшанба куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайланди.

Овоз бериш ҳамма сайлов участкаларида маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 да бошланиб, кеч соат 10 да тамом бўлди. Сайлов КПСС XXIV съезди қарорлари туфайли юзага келган омманинг эўр сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазиятида ўтди. Ҳамма жойда сайловчилар юксак активлик ва уюшқоқлик кўрсатдилар.

Марказий сайлов комиссияси 452 та округ сайлов комиссиясининг ҳаммасидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов натижалари тўғрисида тўла маълумот олди.

Барча сайлов округларидаги жами сайловчилар 5 миллион 656 минг 373 киши эди. Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлашда 5 миллион 655 минг 992 киши, ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти иштирок этди.

Барча сайлов округларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар учун 5 миллион 651 минг 756 сайловчи ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,93 проценти овоз берди. Депутатликка номзодларга 4188 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 0,07 проценти қарши овоз берди. «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 79-моддасига мувофиқ 48 бюллетень ҳақиқий эмас деб топилди.

Ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари — республиканинг барча сайловчилари коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бериб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати теварагида бирлашганликлари ва жипслашганликларини намойиш этдилар.

Марказий сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округидан олинган материалларни қараб чиқиб, «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низом»нинг 38- моддаси асосида 452 сайлов округининг ҳаммасидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Сайланган барча депутатлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг вакилларидир. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатлар орасида хотин-қизлар 151 киши ёки 33,40 процент, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлари 311 киши ёки 68,80 процент, партиясизлар 141 киши ёки 31,20 процент, ишчилар ва колхозчилар 227 киши ёки 50,22 процент, депутатликка сайланганлардан 270 киши ёки 59,73 проценти Ўзбекистон ССРнинг ўтган чақириқдаги Олий Советига депутат эмас эдилар.

(Сайланган депутатлар рўйхатини газетанинг 3 ва 4-саҳифаларида ўқийсиз).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бутун совет халқи номидан Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съездини қизғин табриклаймиз ва Германия Демократик Республикаси коммунистларининг мана шу ваколатли олий йиғилиши ишида съезд делегатларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Германия Бирлашган социалистик партияси VII съезднинг қарорларини амалга ошириш натижасида Германия Демократик Республикасининг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, республика халқининг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини нўриб, биз, сизларнинг дўстларингиз ва сафдошларингиз сидқидилдан қувонмоқдамиз.

Германия Демократик Республикасининг коммунистлари ва меҳнаткашлари ривожланган социалистик жамият қуриш, социалистик мамлакатлар қардошларча ҳамдўстлигининг мустаҳкам бўғини бўлган немис ишчи-деҳқонлар давлатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда. Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съезди ана шу марксча-ленинча йўлни изчиллик билан оғишмай амалга оширишдаги муҳим босқичдир.

Биз аминмизки, VIII съезд ўтган йилларнинг муваффақиятларига ва ижобий тажрибасига таяниб, Германия Демократик Республикаси халқига ижтимоий ривожланишнинг янги истиқболларини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тинмай ошириш, фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ўстириш, экономикани, бутун ижтимоий ҳаётни планлаштиришни ва бошқаришни такомиллаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий даражасини янада юксалтириш йўлларини очиб беради.

Съездингизнинг қарорлари чинакам умумхалқ иши бўлиб қолишига ва шараф билан бажарилажагига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бунга Германия Бирлашган социалистик партиясининг синалган раҳбарлиги, партиянинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига доимий содиқлиги, партиянинг омма билан алоқаси мустаҳкамлиги, назария ва практиканинг энг зарур масалаларига бўлган ижодий ёндошиши гаровдир. Бунга Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг юксак сиёсий активлиги ва ўзининг жанговар авангарди бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси теварагида жипслашганлиги гаровдир.

Утган асрдаёқ Германия ишчилар ҳаракатида чуқур томир ёйган улуғ социализм ғоялари эндиликда Германия Демократик Республикасида ижтимоий тараққиётнинг ҳақиқатан ҳам моддий кучи бўлиб қолди. Германия Бирлашган социалистик партияси, Миллий фронтда бирлашган демократик партиялар ва оммавий ташкилотлар, бутун меҳнаткаш халқ муайян мақсад йўлида иш олиб бораётганлиги туфайли бу ғоялар республиканинг кундалик воқелигида тобора кенг ва чуқур мужассамланмоқда. Германия Демократик Республикасида социализм турмушга маҳкам ва абадий сингиб кетди. Германия Демократик Республикаси диёридаги чуқур социал ўзгаришлар Европадаги социал-тараққиёт, тинчлик ва хавфсизлик тақдири учун принципиал аҳамиятга эга.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси, СССР билан Германия Демократик Республикаси халқлари социализм ва коммунизм қуришнинг ҳамда халқаро сиёсатнинг барча масалаларида қарашлари ва ҳаракатларининг бирлиги билан маҳкам жипслашганликларини кўриб, совет коммунистлари, Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари ниҳоят даражада мамнун бўлмоқдалар. Совет кишилари СССР билан Германия Демократик Республикаси ўртасида тобора кенгайиб бораётган ҳамкорликни, улар моддий ва маънавий бойликларни бир-бирлари билан айрибошлаётганликларини халқларимиз қудрати ва фаровонлигини ўстиришнинг ҳаётбахш манбаи деб билмоқдалар.

Германия Бирлашган социалистик партияси КПСС ва бошқа қардош партиялар билан мустаҳкам бир сафда қадам ташлаб бориб, жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслигини марксизм-ленинизм принциплари асосида мустаҳкамлаш учун курашдан иборат муштарак ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, антикоммунизм, ўнг ва «сўл» ревизионизм идеологиясини кескин равишда фош қилиб ташламоқдалар.

Сизларни ишонтириб шуни айтамизки, азиз ўртоқлар, бизнинг партиямиз, бутун совет халқи тинчлик, демократия ва социализм учун, империализм, милитаризм ва реваншизмнинг кирдикорларига қарши курашда бундан буён ҳам сизлар билан бирга бўлажакдир. Партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар доим кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Бизнинг бу азми-қароримизни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди тўла-тўкис исботлаб берди.

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг илғор марксчи-ленинчи отряди бўлган Германия Бирлашган социалистик партиясига шон-шарафлар!

Германия Демократик Республикаси диёрида социализм мустаҳкамланаверсин ва равнақ топаверсин!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасидаги, СССР билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

БЕРЛИН, 16 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съездида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида қатнашаётган КПСС делегацияси кеча Фридрихсфельд қабристонидаги немис революцион ҳаракати атоқли арбобларининг ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Революцион курашчилар ёдгорлигига Германия Бирлашган социалистик партияси ўз VIII съезди номидан ҳам гулчамбар қўйилди. Гулчамбарни Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси министрлар Советининг раиси В. Штоф ва Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбар арбоблари қўйишди.

* * *

Халоскор Совет Армиясининг ўлмас шижоати одамлар хотирасидан асло ўчмайди. Фашизмга қарши, халқлар эркинлиги ва бахт саодати учун курашда жонини фидо қилган совет жангчиларига пойтахтдаги Трептов-Паркда ўрнатилган улуғвор монумент атрофи ҳамиша кишилар билан гавжум.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегацияси кеча шу ерга, Трептов-Паркка келди. Мотам куйи садоси остида ёдгорлик остонасига гулчамбар қўйилди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар бир дақиқа сукунат қилиб қаҳрамонлар хотирасини ҳурматладилар.

Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съезди номидан ҳам совет жангчилари ёдгорлигига гулчамбар қўйилди.

Гулчамбар қўйиш маросимда Германиядаги совет қўшинлари группасининг қўмондони армия генерали В. Г. Куликов ва бошқа ҳарбий саркардалар КПСС делегацияси билан бирга бўлдилар.

СОВЕТ — НЕПАЛ МУЗОКАРАЛАРИ

15 июнда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Непал қироли Махендра Бир Бикрам шоҳ Дева ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида Совет-Непал муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро масалалар муҳокама қилинди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга комиссия раиси, Тошкент авиация заводининг цех бошлиғи Х. К. Ҳошимов раислик қилди.

Комиссия мажлиси республика давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов якунларига бағишланди. Комиссия секретари Г. М. Орловнинг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотида ва комиссия аъзолари З. Исроилова, А. Комилжонов ва бошқаларнинг нутқларида сайлов бутун республикамизда сайловчиларнинг ўюшқоқлиги ва юксак активлиги ва зиёлиларнинг кўп сонли вакиллари ўтганлиги таъкидланди. Сайлов партия билан халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланди. Коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки яна бир порлоқ ғалаба қозонди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда округ ва участка комиссияларининг қилган катта ишларини таъкидлаб ўтди, ана шу комиссияларнинг ишида қатнашган ишчилар, колхозчилар шунингдек алоқа ходимлари, «Статистика» нашриётининг Ўзбекистон бўлими, «Ўзбекистон» нашриёти ва бошқаларнинг ишларини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунларини матбуотда эълон қилишга қарор қилди.

СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

БЕРЛИН, 15 июнь, (ТАСС махсус мухбирлари Н. Колесов, М. Ники точкин, А. Семенов). Немислар диёридаги ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати — Германия Демократик Республикаси пойтахтининг кўчалари ва майдонлари байрам либосида.

...«Вернер—Зееленбиндер-халле» зали байрамона безатилган. Саҳна тўридаги қизил алвон фонида—Маркс, Энгельс, Ленин портретлари. Германия Бирлашган социалистик партиясининг сал кам икки миллион аъзосидан вакил бўлиб келган икки мингдан ортиқ делегат шу ерга тўпланди. Залда—министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, ГДР миллий халқ армиясининг вакиллари, чет эллик меҳмонлар ўтиришибди.

Эрталаб соат тўққиз. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. Хонеккер, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, коммунистик ва ишчи партияларнинг Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съездига келган делегациялари раҳбарлари президиумга чиқадилар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. Аксен партия раиси ўртоқ В. Ульбрихт бетобликни сабабли съезд мажлисида ҳозир бўла олмаслигини маълум қилди. Ўртоқ В. Ульбрихтнинг илтимосига кўра Г. Аксен унинг Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съезди делегатлари ва меҳмонларига қаратилган кириш нутқини ўқиб берди.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съезди очиқ деб эълон қилинади. Ўртоқ Г. Аксен Германия Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг Германия Бирлашган социалистик партияси VII ва VIII съездлари ўртасидаги даврда вафот этган таниқли партия ва давлат арбоблари номларини тиллашган жанговар марксчи-ленинчилар иттифоқи бўлиб келди. Германия Демократик Республикасининг сиёсий барқарорлиги ва тараққиёти, немислар диёрида социализм тараққиёти Германия Бирлашган социалистик партиясининг маркса-ленинча сиёсати билан узвий равишда боғланган. Бизни ана шу равшан ва қатъий йўлдан ҳеч нарса ва ҳеч ким тойдира олмайди! — деб таъкидлайди В. Ульбрихт пировордида.

Раислик қилувчи ўртоқ Г. Аксен Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съездига кўп мамлакатлардан 90 та коммунистик ва ишчи партияларнинг делегацияси келганлигини маълум қилади.

Делегатлар қўйидаги кун тартибини яқдиллик билан тасдиқладилар:

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади (докладчи Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер):

Германия Бирлашган социалистик партияси марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади (докладчи марказий ревизия комиссиясининг раиси К. Зейбт):

ГДР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971-1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съезднинг Директивалари тўғрисида доклад, (докладчи Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг раиси В. Штоф):

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетини ва партия марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

Шундан кейин съезд президиуми ва ишчи органлари яқдиллик билан сайланди.

Ҳисобот доклади қилиш учун сўз Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. Хонеккерга берилади.

Съезднинг 16 июнь эрталабки мажлисида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. Грюнеберг раислик қилди.

Съездда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ва партия Марказий ревизия комиссиясининг доклади юзасидан музокаралар давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Съезд делегатлари ва меҳмонлар КПСС делегацияси бошлиғини ўринларидан туриб, гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар. Залда: «Дўстлик!», «Яшасин КПСС!», «Ура!» деган хитоблар янграйди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи эўр эътибор билан тинглади ва гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди. Нутқнинг охирги сўзларини бутун зал аҳли ўрнидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Залда «ура!», «Яшасин КПСС!», «Дўстлик!» сўзлари жаранглади.

— Азиз ўртоқлар! — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — сўзимнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг ёқимли топшириғини бажо келтириб, Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съездига Владимир Ильич Ленининг СССР халқ рассоми Дмитрий Налбандян ишлаган портретини топшириш ижозат бергайсиз.

Бу тухфа партияларимизни ва Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси халқларини Маркс — Энгельс — Ленин улуғ иши учун, социализм ва коммунизм учун курашда бирлаштириб турган бузилмас қардошларча дўстликкинг рамзи бўлиб қолсин!

Делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб завқ-шавқ билан «Интернационал»ни айтадилар. Зал «Дўстлик!» деб хитоб қилади, КПСС шарафига табрик сўзлари янграйди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съездига йўллаган табрикномасини президиумга топширди. Яна кучли қарсаклар бошланади. Съезд делегатлари Германия Бирлашган социалистик партиясининг барча аъзолари, ГДРнинг барча меҳнаткашлари номидан КПССга ва совет халқига қардошларча туйғуларини яқдиллик билан чин кўнгилдан изҳор қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Министрлар Совети Совет Социалистик Республикалари иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1971 йил 25 майда Қоҳирада имзоланган Шартномани маъқуллади ва ратификация қилиш учун тақдим этди. СССР Олий Совети Президиуми мазкур Шартномани кўриб чиқиб ўз хулосаларини айтишлари учун уни СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларига топширди. (ТАСС).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Азиз дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси КПСС Марказий Комитетининг топшириғини адо этиб, Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съезди қатнашчиларининг ҳаммасига қардошларча коммунистик салом олиб келди! Бизнинг бу саломимиз партиянгизнинг ҳар бир аъзосига, Германия Демократик Республикасининг ҳар бир гражданига ҳам тегишли.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Эрих Хонеккернинг партия Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладини бизнинг делегациямиз ниҳоят даражада қизиқиб ҳамда немис дўстларимизнинг ишлари ва планлари учун зўр ифтиҳор туйғулари билан тинглади. Партиянгизнинг бу съезди Германия Демократик Республикасидаги социалистик қурилишда ҳеч шубҳасиз, катта босқич бўлиб қолади.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг қисқача фикрнинг ўзи кўп кишиларга жуда узоқ вақтларга мўлжалланган, амалга оширилиши қийин бўлган орзу бўлиб кўринарди. Лекин жасур революционерларнинг — Карл Либкнехт, Роза Люксембург ва Эрнст Тельманнинг ишларини давом эттириб келаётган немис коммунистлари немис халқининг илғор кучларига ишонардилар. Улар ўзларининг революцион бурчларига содиқ бўлиб, прогрессив социал-демократлар билан иттифоқ бўлиб, ватан тақдири учун масъулиятни дадиллик билан ўз зиммаларига олдилар, меҳнаткашларни ўз идеаллари билан руҳлантиришга, халқ оммасини яхши келажак учун курашга қўзғотишга муваффақ бўлдилар. Улар жуда катта қийинчиликларни енгиб, Эльбанинг нариги томонида ўрнашиб олган қудратли ва тажрибали синфий душман билан юзма-юз туриб жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифани тарихан қисқа муддат ичида шараф билан бажардилар — социалистик давлат бўлган Германия Демократик Республикасини барпо этдилар.

Бу чинакам шижоат бўлди, ўртоқлар. Немис коммунистлари мана шундай шижоат қилиб, ўз халқининг ва синфдош қардошларининг ҳамда бутун дунёдаги революцион курашдаги ўз сафдошларининг иззат ва ҳурматига ҳақли равишда сазовор бўлдилар.

Маркс — Энгельс — Ленин улуғ таълимотининг енгилмас ҳақиқати билан қуролланган Германия Бирлашган социалистик партияси муваффақиятларга қозонганлигининг боиси аввало шу бўлдики, у немис ишчилар синфининг энг яхши ўғил ва қизларини ўз сафларида жипслаштира олди. Сизларнинг партиянгиз мамлакатдаги барча прогрессив партияларни ва ташкилотларни миллий фронтда бирлаштиришдан иборат ўзининг узоқни кўрувчи сиёсати билан жамиятдаги барча актив кучларнинг тинчлик, демократик ўзгаришлар ва социализм қуриш платформаси асосидаги иттифоқини чиниқтирди. Германия Демократик Республикасининг коммунистлари ўз ғояларининг олижаноблиги билан, ўз ишларининг улуғворлиги билан ёш авлоднинг ақли ва қалбини ўзларига мойил қилиб олдилар. Бунинг қиймати, ўртоқлар, айниқса катта. Дарҳақиқат, ишимизни давом эттириш ва уни тўла ғалабага етказиш ёшларнинг зиммасидадир.

Германия Бирлашган социалистик партияси халқаро коммунистик ҳаракатда юксак обрў қозонганлигининг яна бир сабаби шуки, синалган марксчи-ленинчилар, ишчилар синфининг содиқ намоялари, фашизмга қарши чиниққан курашчилар, социализм учун курашчилар партияга раҳбарлик қилиб келди ва раҳбарлик қилмоқда. Ўзининг бутун куч-гайратини, ўзининг жуда катта бутун сиёсий тажрибасини немис меҳнаткашларининг ишига, социализм ишига бағишлаган Ўртоқ Вальтер Ульбрихт Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг ва Германия Демократик Республикаси барча дўстларининг чуқур ҳурмати ва ташаккурига сазовор бўлди. Забардаст антифашист, республикада партия ва давлат қурилишининг атоқли ташкилотчиси ҳурматли дўстимиз ва ўртоғимиз Эрих Хонеккер Германия Демократик Республикаси коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг катта ишончини қозонди.

Партиянгизнинг қилган хизматларидан бири шуки, жамиятни социалистик қайта қуриш соҳасида олиб борилаётган катта ва қизғин иш давомида у марксизм-ленинизм дунёқараши билан қуролланган, ишчилар синфига, меҳнаткаш халққа фидокорона содиқ бўлган ва социалистик интернационализм позициясида қаттиқ турган партия раҳбарларининг ажойиб кадрларини ишга солди, тарбиялади ва чиниқтирди. Ҳозирги вақтда Марказий Комитет Сиёсий бюросидан тортиб то бошланғич партия ташкилотларигача партиянинг ҳамма бўғинларида шундай кадрлар бор.

Ўртоқлар! Шу кунларда сизлар партия ишининг, давлатни ва социалистик жамиятни ривожлантиришнинг бундан буёнги истиқболларини белгилаб олмоқдасиз. Бу ишда сизлар партиянинг бундан олдинги съездлари қарорларини амалга ошириш асосида ўтган йиллар қўлга киритилган жуда улкан ғалабаларга таяниш имкониятига эгасиз. Партия қурилиши соҳасида ҳам, экономикада ҳам, социалистик давлатни ривожлантиришда ҳам қилинган ишлар кўп. Биз Германия Демократик Республикасига биринчи марта келаётганимиз йўқ. Республикангизга қиладиган ҳарбир сафаримиз кўпдан бери қадрдон ва меҳрибон дўст билан бўладиган учрашувга ўхшайди. Илгари ҳам кўзни ва кўнгилни қувонтирган нарсалар билан яна учрашасан киши. Ҳар сафар бирор янгилик топасан, партиянгиз, Германия Демократик Республикасининг бутун халқи катта жўшқин ҳаётда яшаб турганлигини ва бу ҳаётнинг томири уриб турганлигини яққол ҳис қиласан, киши.

Социалистик Германия Демократик Республикаси катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Унинг камол топиши, ўтмиш кучлари билан алоқани узиши осонлик билан содир бўлгани йўқ. Социалистик қурилишдаги ҳар бир марра чинакам жанг билан қўлга киритилмоқда, реваншчилар ва империалистларнинг кирдикорларига қарши кескин курашда қўлга киритилмоқда. Лекин буюк Гётенинг яхши иборасн билан айтсак, «ҳаёт ва эркинлик учун ҳар кун жанг қилаётган кишигина шуларга муносиб бўла олади».

Германия Демократик Республикасида янги ижтимоий тузум маҳкам, абадий ўрнашиб олди. Унинг афзалликлари миллион-миллион немис меҳнаткашлари учун қадрли. Эксплуатация тугатилди, ишсизлик тугатилди. Таҳқирловчи социал камситиш тугатилди. Эндиликда Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари эркин ижодий меҳнат нималигини, эртанги кунга тўла ишонч билан қараш нималигини ўзларининг кундалик тажрибаларида кўриб турибдилар. Бу янги тузумда халқ ўз ҳаётининг бунёдкори ва хўжайини бўлиб қолди, энди бу тузум йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.

Сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар мана шундай жуда катта миқёсларда олиб борилаётган шароитда ҳамма нарсани майда-чуйдаларигача олдиндан кўриб қўйиш мумкин бўлавермайди, қийинчиликларни ҳар доим четлаб ўтишнинг имкони бўлавермайди, албатта. Ишчилар синфи, кооперативлашган деҳқонлар, халқ зиёлилари шунинг учун ҳам катта шарафли иш қилдиларки, улар партиянгизнинг раҳбарлигида социализм ва тинчлик йўлидан дадил бўлиб доим ривожланиб бориш намунасини бутун дунёга намойиш қилмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг охири

(Боши биринчи бетда).

Ўртоқлар! Шундай тасодиф келиб қолганлигини қарангки, қардош социалистик мамлакатлар партияларидан кўпларининг ҳаётида кейинги ойларда катта аҳамиятга эга воқеалар бўлиб ўтди: Партияларнинг навбатдаги съездлари ўтказилмоқда. Бу — масъулиятли ва қувончли воқеалардир. Масъулиятли бўлишининг сабаби шуки, коммунистлар ўз мамлакатларининг кўп йилларга мўлжалланган ривожланиш йўлларини ўзларининг олий анжуманларида олдиндан белгилаб оладилар. Қувончли бўлишининг сабаби шуки, бу ривожланиш оғишмай бир йўлдан бораётир. Социализм мамлакатларини тагин ҳам кўпроқ яшнатиш, халқ фаровонлигини юксалтириш, одамларнинг самарали ижодий меҳнат билан тўла бахтли ҳаёт кечиришлари учун яхши шароитларнинг ҳаммасини яратиб бериш йўлидан бораётир.

Венгрия, Совет Иттифоқи, Болгария, Чехословакия, Монголия Халқ Республикаси коммунистларининг съездлари бўлиб ўтди. Бизнинг съездимизда бўлгани каби, шу съездларнинг ҳам ҳар бирида бундан буёнги ривожланиш планлари ўз партияси ва ўз мамлакати олдида турган навбатдаги вазифаларни қандай ҳал қилиш, ҳали тугатилмаган камчиликларни йўқотиш масалалари ишчанлик билан конкрет муҳокама қилинди. Планлар ҳам, вазифалар ҳам у ёки бу мамлакатнинг турмуш шароити сабаблари бир хилда эмас эди, албатта. Лекин қардош мамлакатлар Компартияларининг яқиндагина бўлиб ўтган барча съездларини бирлаштириб турган кўпгина муштарак нарсалар ҳам ҳеч шубҳасиз бор. Бу муштараклик шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси соғлом, барқ уриб ривожланаётган динамик социалистик жамиятнинг ёрқин ва яққол манзарасини жаҳонга кўрсатиб турибди. Бу жамиятда миллион-миллион кишиларнинг коммунистик авангард раҳбарлигида қилаётган онгли меҳнати бутун халқнинг бахт-саодатини таъминлашга тўла равишда қаратилган. Бу жамиятда ҳар бир янги йил, ҳар янги беш йиллик сиёсий, иқтисодий, социал, илмий ва маданий ривожланиш соҳасида очиқ сезилиб турган янги ютуқлар келтирмоқда.

Жаҳон социалистик системасининг, биздаги социалистик яшаш тартибининг катта афзалликларидан бири шуки, қардош мамлакатларнинг ривожланиш жараёнида Коммунистик партиялар бир-бирларининг ижобий тажрибаларини диққат билан ўрганиб борадилар ва шу тажрибалардан фойдаланадилар. Социалистик ривожланишйўлини биринчи бўлиб очиб берган Совет Иттифоқи коммунистларининг тажрибаси бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан ривожланган социалистик жамият проблемаларини кенг ишлаб чиқаётган Германия Демократик Республикасининг ҳам тажрибаси, — мана шуларнинг ҳаммаси биргаликда социализмнинг коллектив тажрибаси бўлиб, ҳаммамизнинг муштарак катта бойлигимиздир. Бу бойликдан моҳирлик билан фойдаланиб қардош мамлакатларнинг ҳар бирига жуда катта фойда келтиради, кўпинча уларни бошқалар топган йўлларни беҳуда қидиришдан халос қилади, ёки шу мамлакатлардан биронтаси илгари йўл қўйган нуқсон ва камчиликларнинг такрорланишининг олдини олади.

Ҳозирги вақтда социалистик ҳамдўстликнинг бир қанча мамлакатлари ривожланишнинг шундай палласига қадам қўйдиларки, бу паллани мазкур мамлакатларнинг Коммунистик партиялари етук ёки ривожланган социализм қуриш палласи, деб таърифламоқда. Мана шу босқичда бизнинг олдимизда кенг ва жуда мураккаб вазифалар пайдо бўлмоқда: Социалистик тузумнинг афзалликларини фан-техника революциясининг янги янги муваффақиятлари билан қандай қилиб яхшироқ қўшиб олиб бориш керак; шу асосда бутун халқ хўжалигини юксак даражада самарали ва планли пропорционал ривожлантиришни, халқ фаровонлигини анча оширишни қандай қилиб таъминлаш керак; одамлар онгини социалистик руҳда шакллантириш ишини қандай формаларда кенг авж олдириш ва чуқурлаштириш керак; социалистик демократияни ижодий ривожлантиришда олға томон қандай йўллар билан бориш керак; қардош социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини янги поғанага қандай қилиб кўтариш керак.

Буюк ва олижаноб вазифалар! Қардош социалистик мамлакатлар ўзининг ажойиб истиқболлари ва имкониятлари жиҳатидан ғоят мароқли бўлган бир замонда яшамоқдалар. Уларнинг олға бораётган йўлларида ҳали қўпгина мушкулликлар учрайди, албатта, лекин ишнинг энг қийин қисми бажарилиб бўлди, буни тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Совет мамлакати коммунистик қурилишнинг янги масъулиятли босқичига ўтди. КПСС XXIV съездининг ўзларингизга яхши маълум бўлган қарорлари совет халқи олдига ижтимоий ривожланишнинг ҳамма соҳаларида илгари мисли кўрилмаган уфқларни очиб бермоқда. Совет Иттифоқининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари съезд қарорларини зўр ғайрат билан қутиб олдилар ва бу қарорларни амалга оширишга коммунистларча, зарбдорлик билан киришдилар. Бизни ғоят мамнун қилаётган нарса шуки, КПСС XXIV съездининг якунлари тўғрисида бошқа мамлакатларда ҳам кенг ижобий фикрлар айтилди. Кези келганидан фойдаланиб, сиз азиз немис ўртоқларга шуни айтмоқчиманки, КПСС XXIV съездининг материаллари сизларнинг партиянгизда диққат ва эътибор билан қутиб олинганлигини совет коммунистлари юксак даражада қадрлямоқдалар. Бизнинг XXIV съездимиз шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган Германия Демократик Республикасининг коммунистларидан ва барча меҳнаткашларидан ғоят миннатдормиз. Ана шуларнинг ҳаммасини совет кишилари чинакам қардошларча дўстлик ва социалистик интернационализмнинг намунаси деб билмоқдалар.

Ишонч билан олға бораётган социализм мамлакатларига, уларнинг тарихий оптимизмига нисбатан капиталистик дунёнинг бугунги ҳолати бутунлай бошқача эканлиги яққол кўриниб турибди! Ялпи кризис сиртмоғи капиталистик системани тобора кучлироқ, тобора маҳкамроқ сиқиб келмоқда. Империалистик сиёсат оғир тангликни бошидан кечирмоқда, экономика ҳар доим ларзага учраб турибди, келажакка ишонч йўқ, ахлоқ чуқур кризисга учради — ҳозирги капитализмнинг манзараси мана шундай. Мана шу узвий иллатларни ва касалликларни тузата оладиган битта ҳам билимдон йўқ, битта ҳам шифокор йўқ.

Капитализмнинг валюта-молия системаси навбатдаги ларзага учраганлигини яқинда жаҳон яққол кўрди. Капиталистик дунёнинг ҳудоси бўлиб қолган, тўғрироғи сариқ иблисга айланган ва ўзининг илгариги қадрини аллақачон йўқотган Америка доллари яна дармонсизланиб қолди. Аммо бу тасодифий, танҳо учрайдиган ҳодиса эмас. Бу ҳодиса капитализмнинг умумий ички беқарорлигини акс эттиради. Бу ҳодиса ҳам капиталистик давлатларни ларзага келтираётган кескин синфий жанглар, социал, миллий ва ирқий можаролар билан бир қаторда турган ҳодисадир. Энг катта буржуазия мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларида урушга қарши оммавий ҳаракат кучайиб бормоқда.

Капитализм ўз юртида суянчигидан тобора кўпроқ маҳрум бўлиб қолаётганлиги очиқ кўриниб турибди. У ўз йўли билан — мустақиллик ва социал тараққиёт йўли билан, социалистик давлатларга дўст бўлиб ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан тобора дадил олга бораётган собиқ мустамлака дунёси мамлакатларида ҳам ўзининг суянчиғидан ажраб қолмоқда. Бундай вазиятда капиталистик дунёнинг корчалонларидан баъзи бир кимсалар аҳволга сергаклик билан баҳо бериш қобилиятини йўқотиб қўйиб, ҳарбий авантюралар қилиш йўлига тушиб кетмоқдалар, агрессиялар қилишга киришмоқдалар. Империалистларнинг Ҳинди-Хитой ва араб мамлакатлари халқларига қарши агрессив урушлари бунга мисол бўла олади.

Мана шундай шароитда тинчликни, халқларнинг эркинлиги ва социал талабларини ҳимоя қилиш ишида социализм мамлакатларининг роли айниқса масъулиятли. Жаҳон халқлари социалистик давлатларга суянишлари мумкинлигини, бу давлатлар ўзларининг ташқи сиёсатларида ленинча йўлни муттасил ўтказиб келаётганлигини яхши биладилар. Бизнинг давлатларимиз нақадар жипс бўлиб ҳаракат қилсалар, жаҳон майдонида нақадар келишиб иш олиб борсалар, ялпи тинчлик ва хавфсизликнинг таянчлари шу қадар бақувват бўлади, халқлар эркинликка ва мустақилликка шу қадар шаҳдам қадам ташлаб олга бораверадилар.

Социализм мамлакатлари билан мустамлакачилик асоратининг кишанларини парчалаб ташлаган ёш тараққийпарвар давлатлар ўртасидаги улуғ иттифоқ даврининг энг характерли белгиларидан бири бўлиб қолди. Бу иттифоқни мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўриши ўзимизнинг бурчимиз, деб биламиз. Шу жиҳатдан қараганда Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида якинда тузилган шартнома катта воқеа бўлди. Бу ҳужжатни барча прогрессив ва тинчликсевар кучлар мамнуният билан табриклядилар.

Биз коммунистлар агрессияга ва агрессорларга жон-жаҳдимиз билан ва астойдил қаршимиз. Шу билан бир вақтда биз давлатларнинг социал тузумидаги тафовутлардан қатъи назар, тинч-тотув яшашларига ҳам худди шундай жон-жаҳдимиз билан ва ҳар доим тарафдормиз. Ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳалол ҳамкорлик қилишни истаганларнинг ҳаммасига самимият билан қўл узатмоқдамиз ва мана шундай ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Ўртоқлар! Сизларнинг партиянгиз, сизларнинг республикангиз катта ва мураккаб ташқи—сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқда. Ўзини халқаро майдонда таниткан йўлида Германия Демократик Республикаси каби шу қадар кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келган бошқа бирон социалистик давлатни социалистик ҳамдўстлик давлатлари орасида топиб бўлмаса керак. Капиталистик дунё Германия Демократик Республикасини бутун жаҳон миқёсида сиёсий дипломатик қамалга солиб қўйишга уриниб кўрди. Ўддалай олмади. Эндиликда Германия Демократик Республикаси жаҳоннинг ҳамма қитъаларидаги 29 давлат билан дипломатик муносабатда бўлиб иш олиб бормоқда.

Халқаро алоқаларнинг жуда хилма-хил соҳаларида Германия Демократик Республикаси ўзининг катта ролини, ўзининг ўсиб бораётган имкониятларини дадил намойиш қилмоқда. Парламентлар ва жамоатчилик йўли билан қилинадиган алоқалар муттасил ривожланиб бормоқда. Германия Демократик Республикаси тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок қилмаса. Умумевропа кенгашини ўтказиш мумкин эмаслиги эндиликда ҳаммага равшан бўлиб қолди. Германия Демократик Республикаси ҳозирги вақтда жаҳондаги юздан кўпроқ мамлакатлар билан ташқи савдо ва иқтисодий алоқа қилиб турибди, бу алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Лейпциг ярмаркаси жаҳонда энг катта ва энг манзур ярмаркалардан бири бўлиб қолди. Халқаро спорт мусобақаларида Германия Демократик Республикасининг вакиллари ҳурмат погонасига кўтарилганларида биз сизлар билан бирга қувонамиз. Бундай ҳоллар эса тез-тез бўлиб турибди.

Республикангизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва таъсири мустаҳкамланганлиги аввало, Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда қилган жамики ишларининг якунидир. Бу — социалистик давлатлар биргаликда кўп йиллардан бери олиб бораётган курашнинг натижаси, тинчлик ва социализм ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишдаги жипслигимизнинг натижаси деб айтиш учун ҳамма асослар бор, дейиш мумкин.

Илгари Берлин тинчлик иши учун ҳайрли бўлган яхши хабарлар тарқатмайдиган пойтахт бўлиб танилган эди. У герман милитаристларининг ва тўп-замбарак қуролларининг таянчи эди. Берлин немис социалистик давлатининг пойтахти бўлиб қолганидан кейин ўзининг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Германия Демократик Республикасининг пойтахти бўлган Берлиндан эндиликда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик овози янграмоқда. Бу ўзгариш немислар диёрида тинчликсевар социалистик давлат ташкил топганлиги натижасида рўй берган тарихий бурилишни ифодалаб турибди.

Ҳозирги кунда, гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилганлигининг 30 йиллиги арафасида одамлар истар-истамас шу воқеани, иккинчи жаҳон урушининг сабоқларини эса оладилар. Шу уруш келтирган оқибатларни совет кишилари ҳам, немислар ҳам, бошқа халқлар ҳам унита олмайдилар. Ўн миллионлаб киши ҳалок бўлди. Гарчи урушдан кейинги даврда янги авлод ўсиб етишган бўлса-да, аммо урушнинг чандиқлари, унинг оғир меросси сиёсатда ҳам, экономикада ҳам, одамларнинг психологиясида ҳам ўзини сездириб турибди. Уруш тамом бўлганидан кейин орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтган ҳозирги пайтда Европа халқлари олдида битта асосий вазифа, у ҳам бўлса, — ўтмишнинг фожиаси такрорланишига йўл қўймаслик, чинакам мустаҳкам тинчлик, узоқ вақтлар давом этадиган тинчлик вужудга келтириш вазифаси турибди.

Кейинги вақтларда Европадаги вазиятда баъзи ижобий силжишлар бўлаётганлигидан ҳаммамиз мамнунмиз. Европа ишларида кескинликни юмшатиш, тинч ҳамкорлик қилиш ва қитъада хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидан боришга интилаётганлигимизни тушиниб, капиталистик мамлакатларнинг бу тўғрида ўз фикрларини айтаётган ҳукуматларидан мамнун бўлмоқдамиз. Шу муносабат билан СССР ва Германия Федератив Республикаси ўртасида бу-тур 12 августда имзоланган шартноманинг аҳамиятига тўхталиб ўтмоқчиман.

Ғарбда баъзи бир кимсалар, Германия Федератив Республикаси шу шартномада «Совет Иттифоқига ён босди» деган гапларни айтмоқдалар. Лекин бизнинг фикримизча, 12 августдаги шартномада зиммамизга олган мажбуриятларимиз Германия Федератив Республикаси учун унинг Совет Иттифоқига нисбатан ўз зиммасига олган худди шундай мажбуриятларига қараганда, гарчи катта бўлмаса ҳам, аммо асло камроқ қимматга эга эмас. Бу гап куч ишлатмаслик масаласига ҳам, чегаралар-нинг бузилмаслигига риоя қилиш масаласига ҳам, ўзаро муносабатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидаларига амал қилиш масаласига ҳам тааллуқлидир. Бинобарин, бунда гап бир томоннинг қандайдир ён бериши тўғрисида бораётгани йўқ — зотан иккала томон ҳам ён берганни йўқ, — балки гап шартноманинг сиёсий моҳияти ва умумий йўналиши тўғрисида бораётир.

Совет Иттифоқи билан тузилган шартнома теварагида Ғарбий Германияда сиёсий спекуляция билан шуғулланаётган арбоблларга бир нарсани айтмоқчимиз: СССР, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия ва бошқа қардош мамлакатлар чегараларининг бузилмаслиги бундай шартнома мавжудлигидан ҳам қатъи назар, таъминланмоқда, — шу мамлакатлар чегараларининг бузилмаслигини Варшава Шартномаси давлатларининг бирлашган қудрати таъминлаб турибди.

Германия Федератив Республикаси билан тузилган шартнома кучга киргач, Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи билан муносабатларида янги саҳифа очиши мумкин ва лозим, экономикада ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли кенг ҳамкорлик қилишга майдон очиб бериши мумкин ва лозим. Лекин ғап фақат шундагина эмас. Совет Иттифоқи ва Польшанинг Германия Федератив Республикаси билан тузган шартномаларининг кучга кириши Европада кўп жиҳатдан янги сиёсий муҳит вужудга келтиради. Бу эса Ғарбий Германиянинг Европадаги социалистик мамлакатлар билан нормал муносабатларни йўлга қўйиши учун, умуман Европа шарқидаги мамлакатлар билан унинг ғарбидаги мамлакатлар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун, Европа хавфсизлигининг муҳим проблемаларини ҳал этиш учун шарт-шароитни анча яхшилайди, деб ўйламоқ керак.

Ҳозир аҳвол шундайки, Ғарбда Европа тинчлигини мустаҳкамлаш учун курашаётган ва реал фикр қилаётган доираллар пайдо бўлиб қолди. Айни вақтда муайян лагерь мана шу доираларнинг фаолиятига тобора шиддатли ҳужумлар қилмоқда. Тинчликсевар халқлар бу манзарани кўриб турибдилар, улар бундан ўз хулосаларини чиқариб олмасликлари мумкин эмас.

Пойтахтингизнинг ён қўшниси бўлган Ғарбий Берлин тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтаман, Ўзларингизга яхши маълумки, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси Ғарбий Берлин кескинликнинг ва кризисли ҳолатларнинг детонатори бўлмай қолсин ҳамда мана шу шаҳарнинг ва шаҳар аҳолисининг ҳаёти учун нормал шароит таъминлансин, шу билан бирга бу ишларнинг ҳаммаси Германия Демократик Республикасининг қонуний манфаатлари ва суверен ҳуқуқлари тегишли равишда ҳисобга олиниб қилинсин, деб биргаликда, келишиб, қуч ва ғайрат сарфламоқдалар. Ғарбий Берлин тўғрисида ҳозирги вақтда олиб борилаётган музокаралар аввало, манфаатдор томонларнинг позициясини аниқлаб бериши лозим деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли эндиликда музокаралар тузиладиган шартноманинг мазмуни тўғрисидаги конкрет таклифларни кўриб чиқиш босқичига ўтаётганлиги табиийдир. Музокарадошларимизнинг фикри қандайлигини билмайману, аммо биз бу ишни муваффақиятли тугалламоқ учун ва тузиладиган битим самарали бўлиб, амалга ошириладиган бўлиши учун куч ва ғайрат сарфлашга тайёрмиз.

Мен халқаро турмушнинг баъзи масалаларига—Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Европада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ишлари нуқтаи назаридан алоҳида актуалликка эга бўлиб турган баъзи масалаларга тўхталиб ўтдим. КПСС XXIV съездида тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун қурашнинг яхлит программаси илгари сурилди. Бу программа Совет Иттифоқи ташқи сиёсий фаолиятининг ҳозирги босқичдаги асосий вазифаларини ва йўналишларини белгилаб беради. Бу программа социалистик ҳамдўстлик давлатларининг муштарак манфаатларини ҳисобга олади. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати бу программани актив равишда қўллаб-қувватлаётганлиги учун улардан миннатдормиз. Мана шунинг ўзи ҳам ташқи сиёсий мақсадларимизнинг бирлигини, иттифоқчилик муносабатларимизнинг софлиги ва самимийлигини, чинакам социалистик бирдамлик ва дўстлик муносабатларининг софлиги ва самимийлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

СССР ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги бақувват дўстлик партияларимизнинг буюк ғалабасидир, мамлакатларимиз коммунистлари қўй йиллар давомида муайян мақсад йўлида қилиб келаётган ишларининг натижасидир. Дўстлик — тинчлик ва социализм тантанаси учун биргаликда олиб борилган курашда вужудга келган иттифоқимизнинг жони-танидир.

Ўртоқлар! Бизнинг партияларимиз ва ҳукуматларимиз бутун социалистик ҳамдўстликнинг ташвишлари ва манфаатлари билан яшамоқдалар, ўзларининг ташқи сиёсий фаолиятларини ҳар доим бир-бирига уйғунлаштирмоқдалар, мана шунинг ўзида ҳам улар ўтказаётган сиёсатнинг чуқур интернационалистик руҳи намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда қардош партиялар социалистик давлатларнинг иқтисодий интеграция жараёнини кенг авж олдиришга анчагина куч ва ғайрат сарфламоқдалар. Жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу иш жаҳон социализмининг ривожланишидаги марказий бўғинларнинг биридир. Қардош мамлакатлар марксизм-ленинизм фанига таяниб, хўжаликни юритиш ва ҳамкорлик қилиш методларини ижодий ривожлантириб ва такомиллаштириб, социалистик интеграция ишини муваффақиятли равишда олға силжита олишларига ишонамиз. Шу нарсани аниқ айтиш мумкинки, Германия Демократик Республикаси бу катта вазифани ҳал қилишга муҳим ҳисса қўшади.

Азиз дўстлар! Сизларга ва Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қуришда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилашга, бахт-саодат ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Яшасин немис ишчи ва деҳқонлари давлатининг етакчи кучи бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси!

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги гуллаб-яшнасин! Уларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги, қардошларча иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

Яшасин тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда инсониятнинг авангарди бўлган қардош социалистик мамлакатларнинг мустаҳкамланиб бораётган ҳамдўстлиги!

Яшасин коммунизм!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос, давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

Ўртоқ Э. ХОНЕККЕР доклади

Германия Бирлашган социалистик партиясининг VII съездидан бери ўтган даврни таърифлаб, Э. Хонеккер айтдики, Германия Бирлашган социалистик партияси ўзининг VIII съездига Германия Демократик Республикасида социализм қуриш ишида яхши натижалар билан келди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг мустаҳкам, енгилмас бўғини бўлган ГДР СССР билан қардошларча иттифоқ бўлиб бақувват, мустаҳкам давлатга айланди. Халқ турмуши аста-секин яхшиланди. Республика саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлар бунга шарт-шароит яратиб берди. Меҳнат унумдорлиги оширилганлиги натижасида миллий даромад тўхтовсиз ўсиб борди.

Совет Иттифоқи билан доимо кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган алоқалар ГДРнинг бутун ривожи учун ҳал қилувчи омилдир, деб таъкидлади Э. Хонеккер. Ў ГДРнинг социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан қардошлик муносабатлари ривожланиб бораётганлигини айтди. Қардошлик иттифоқимизни мустаҳкамлаш биз учун биринчи галдаги вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деди у.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ташқи сиёсий фаолият масалалари тўғрисида гапириб, ўтган йиллар мобайнида ГДРнинг халқаро позициялари анча мустаҳкамланганлиги ва кенгайганлигини таъкидлади. Республика Европа қитъасида тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ижобий ҳисса қўшмоқда. Актив тинчлик сиёсати социалистик давлатнинг моҳиятига тўла ва батамом мос бўлиб тушади.

Докладчи съезд делегатларига мурожаат қилиб, сизлар КПСС XXIV съездининг бой тажрибаси билан қуролланган ҳолда ГДР пойтахтига келдингиз, деди. Германия Бирлашган социалистик партиясининг ҳамма бошланғич ташкилотлари ва комитетларида совет коммунистларининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган съезди ҳужжатлари ўрганилганлиги Германия Бирлашган социалистик партияси съездига тайёргарлик даврида партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишида бизга бебаҳо ёрдам берди.

Биз жангларда чиниққан ва бой тажрибага эга бўлган КПСС сингари партия билан жуда яқиндан боғланганлигимиз билан фахрланамиз, деди Э. Хонеккер. КПСС XXIV съездининг қарорлари унинг халқаро ишчилар ҳаракати ва бутун инсониятнинг авангарди ролини яна бир карра яққол исбот этди.

Сўнгра Э. Хонеккер халқаро воқеалар ривожининг асосий тенденцияларини ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг ташқи сиёсий йўлини таърифлаб берди.

Германия Демократик Республикаси, деди у, социализмни тарихий тараққиётнинг даврларига хос бўлган жараёнларига тўла мувофиқ равишда қурмоқда. ГДР социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг мустаҳкам, ажралмас таркибий қисмидир. У Ленин мамлакати билан — шонли Совет Иттифоқи билан маҳкам дўстлик алоқалари ўрнатган. Бу эса ГДР ишчилар синфи ва барча гражданлари ҳаётий манфаатларини таъминлашнинг асосий шартидир.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлигига мансублик Германия Демократик Республикаси суверенитетининг мустаҳкам гаровидир. ГДРни қардош социалистик мамлакатлар оиласидан ажратиб олишга ҳеч ким ва ҳеч қачон муваффақ бўла олмайди, буни яна бир карра равшан қилиб айтмоқ керак!

Бизнинг йўлимиз, унинг натижалари ва тажрибаси, дейилади сўнгра докладда, тарихнинг асосий сабоғини — Совет Иттифоқига ва КПССга муносабат марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига садоқат мезони бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади, деган сабоқни яна бир бор тасдиқлайди! Биз Совет Иттифоқининг жуда бой назарий ва амалий тажрибасини қабул қилиб олиб, уни ўзимизнинг конкрет шароитларимизга мувофиқ равишда қўлламоқдамиз. Шу тариқа биз социалистик қурилиш умумий принципларининг устун даражадаги аҳамияти билан ҳар бир мамлакатдаги ўзига, хос шароитларни ҳисобга олиш ўртасидаги тўла бирлик бўлишини таъминламоқдамиз.

Бизнинг СССР билан ҳар томонлама ҳамкорлигимиз тобора ривожланиб бормоқда, бу ҳамкорлик СССР билан ГДРнинг иқтисодий ва ижтимоий мақсадларидан, шунингдек империализмга қарши кураш эҳтиёжларидан келиб чиқаётган талабларга тобора кўпроқ мос бўлиб тушмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ГДР ва СССР партия ҳамда ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда кенгайиб бораётганлигини жуда юксак баҳолайди. Бу гап иккала мамлакат ички ривожининг ва идеология соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий масалаларини муҳокама қилишга ҳам, шунингдек ташқи сиёсатни келишиб олишга ҳам тааллуқлидир. Партияларимиз ва давлатларимиз ўртасида ҳамма масалаларда тўла яқдилик мавжудлигини қайта ва қайта таъкидлаймиз. Худди шу руҳда Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съезди КПСС Марказий Комитетига, барча совет коммунистларига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва СССРдаги барча халқларга қардошлик саломини йўллайди ва Германия Бирлашган социалистик партияси дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз йўлини муттасил давом эттираверади, деб ишонтиради!

Бизнинг халқимизни Гитлер фашизмидан озод қилиш йўлида совет халқи билан унинг шавкатли армияси қилган ишларни биз ҳеч қачон унутмаймиз. Бизнинг озодлигимиз учун ва бизнинг келажагимиз учун қурашда ҳалок бўлган совет жангчиларига абадий шон-шарафлар! Биз уларнинг васиятларини албатта бажарамиз!

Докладчи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролини таъкидлади, Варшава Шартномасининг аҳамияти тўғрисида гапирди .Германия Бирлашган социалистик партияси КПСС билан ва бошқа қардош партиялар билан биргаликда ана шу мудофаа коалициясининг ҳарбий ташкилотини ва жанговар қудратини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ва сафарбарликни доимо ошириш учун катта куч-ғайратлар сарфламоқда.

Э. Хонеккер ўз докладининг каттагина қисмини ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалаларига бағишлади.

Докладчи Бонндаги ҳукмрон доираларнинг алоҳида «ички герман муносабатлари» тўғрисидаги, «ягона немис миллати» ҳақидаги гапларига тўхталиб, «ўз-ўзидан равшанки, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас», деди.

Марказий Комитет, деди докладчи Европа хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор бериб келди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлат бўлган ГДР социалистик мамлакатларнинг Европа хавфсизлиги хусусидаги умумий программасини ишлаб чиқишда ва Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган кенгашни чақириш ташаббусини бошлашда актив қатнашди.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида, шунингдек Польша Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартномалар Европа хавфсизлиги учун катта аҳамиятга эга бўлади, деб уқтирди докладчи. Эндиликда бу шартномаларнинг амалга оширилиши учун уларнинг ҳар иккаласи ратификация қилиниши лозим.

Сўнгра Э. Хонеккер Германия Федератив Республикаси Гитлернинг жиноий сиёсати тимсоли бўлган машъум Мюнхен битимини ва бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатларни бекор деб данғалатан олсин, деган талабни таъкидлади. Бу эса шубҳасиз Европа қитъасидаги кескинликни юмшатган бўлур эди.

КПСС XXIV съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев эълон қилган Совет Иттифоқининг тинчлик программасини биз тўла-тўкис ва батамом тасдиклаймиз, деди нотиқ. Биз бу программани халқларнинг тинч ҳаётини таъминлаш манфаатларини кўзлаб халқаро проблемаларни бартараф этишнинг қудратли стимулларини доимо ишлаб чиқаётган Совет Иттифоқининг аксий тинчликсевар давлат сифатидаги ролини тўла-тўкис исботлайдиган далил, деб биламиз.

Докладчи Европадаги аҳволни ҳали ҳам чигаллаштириб турган ва халқларнинг тинч-тотув яшашига ҳалакит бераётган масалаларни ҳал этмоқ учун ГДР ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёр эканлигини таъкидлади. Марказий Комитетнинг топшириғига биноан, деди Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, бу ерда мен Европа халқлари ва давлатларининг тинч-тотув яшашига қўмаклашадиган таклифлар ва ғоялар кимдан чиқишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасини қабул қилишга тайёрмиз, деб айтмоқчиман. Биз ҳамиша ижобий позицияда туриб холис ниятли эканлигимизни кўрсатишга тайёрмиз.

ГДР ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларига аъзо бўлиб кириш ниятини яна изҳор қилади. ГДР ўзининг барча давлатлар билан нормал дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини айтди. ГДР ГФР билан ҳам халқаро ҳуқуқ асосида нормал муносабатлар ўрнатишга аввалгидек тарафдордир. ГДР Европа марказида кескинликни юмшатиш ишига ҳисса қўшмоқ учун Ғарбий Берлин билан муносабатларни нормаллаштиришга доимо тайёр. Шу билан бирга Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ғарбий Берлин алоҳида сиёсий статусга эга шаҳар эканлигидан ва у ҳеч қачон Федератив Республиканики бўлмаганлиги ва ҳеч қачон бўлмаслигидан иборат реалликни эътироф қилиш зарурлигини таъкидлади.

Нотиқ ташқи сиёсий фаолият якунларига тўхталиб Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети партия VII съезди қарорларига мувофиқ равишда иш кўриб келганлигини айтди. Келажак тўғрисида гапирадиган бўлсак, деди у, СССР билан маҳкам иттифоқ бўлиб, социалистик давлатлар ҳамдўстлигида мустаҳкам позициядага туриб, ўзимизнинг интернационал бурчимизни бундан буён ҳам шараф билан бажармоқ учун бутун кучимизни сарф қила берамиз.

Докладчи ГДР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир Директивалар лойиҳасида белгиланган проблемалар ва вазифаларни батафсил таърифлаб берди, шу вазифаларнинг бажарилиши Германия ишчи деҳқонлар давлати ривожида янги муҳим босқични бошлаб беришини таъкидлади.

Партия фаолиятига тўхталиб, Э. Хонеккер қуйидагиларни айтди: Германия Бирлашган социалистик партияси ташкил топган пайтдан бери ўтган 25 йил давомида ГДРдаги ижтимоий тараққиётга илмий равишда ишлаб чиқилган стратегия ва тактика асосида сиёсий раҳбарлик қилиш масалаларини ҳал этиш устида қунт билан муваффақиятли равишда жанговар меҳнат қилиб келди. Ишчилар синфи билан барча меҳнаткашларнинг революцион партияси — янги типдаги партия бўлган бизнинг партиямиз меҳнаткаш халққа бош бўлиб мураккаб тарихий шароитларда чинакам тарихий иш қилди.

Мустаҳкам жанговар иттифоқ бўлган Германия Бирлашган социалистик партияси ҳозир ўз сафларида 1.909.859 кишини бирлаштириб турибди. Партия аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг 56,6 проценти — ишчилар, 5,9 проценти — кооператор деҳқонлар ва 17,1 проценти зиёлилардир. Партия ҳамма аъзоларининг 28,7 проценти хотин-қизлардан иборат.

Докладчи партиявий иш масалаларига тўхталиб Германия Бирлашган социалистик партияси сайлаб қўйиладиган ҳамма партия органлари ишининг олий принципи бўлган коллективизм принципига қатъиян амал қилаётганлигини айтди. В. И. Ленин, КПССнинг раҳбарлиқ услуби ва ўз тажрибамиз бизга: коллективизм — янги мураккаб проблемаларни ҳал этишга реалистик ва амалий

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1971 ЙИЛ 13 ИЮНДА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ахмадалиева Шоира, Ўзбекистон КП Киров район комитетининг биринчи секретари, 1-Саноат округи.

Орлова Вера Михайловна — «Строймеханизация» трести башня крани машинисти, 2-Киров округи.

Кочетков Андрей Егорович — «Ўзбексельмаш» заводи слесари, 3-Комсомол округи.

Юсупова Хуринисо Ҳусановна, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг тикувчи мотористкаси, 4-Марказий округи.

Салимов Оқил Ўмрзоқович, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари, 5-Пушкин округи.

Спирин Владимир Дементьевич, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси Тошкент машинасозлик заводининг йиғувчи-слесари, 6-Урицкий округи.

Микоян Алексей Анастасович, генерал-майор, 7-Луначарский округи.

Дергачев Александр Михайлович, «Ташкентқабель» заводининг цех бошлиғи ,8-Куйбишев округи.

Турсуметов Иляш Пўлатович, Ўзбекистон КП Куйбишев район комитетининг биринчи секретари, 9-Високовольт округи.

Припусков Игорь Константинович, Тошкент трактор заводининг директори, 10-Оржоникидзе округи.

Корниенко Владимир Васильевич, Тошкент экскаватор заводининг синовчи-машинисти, 11-Красновосток округи.

Султонова Сайёра Умаровна, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори, 12-Тошкент Ленин округи.

Архипова Лилия Николаевна, В. И. Ленин номли Тошкент электро техника заводи йиғув цехининг бригадири, 13-Кафанов округи.

Султонмуродов Абдуллажон, Октябрь Революцияси номли тепловоз вагон ремонти заводи чўянқуюв цехининг эритувчиси, 14-Темир йўл округи.

Содиқов Юсуп, Тошкент авиабўлима бирлашмасининг «ИЛ-18» самолёти командири, 15-Первомайск округи.

Дронов Владимир Алексеевич, Тошкент авиабўлима бирлашмасининг «ИЛ-18» самолёти командири, 16-Пролетар округи.

Раҳимхўжаев Орип, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг слесари, 17-Москва округи.

Абдураззоқова Собира Хўжаевна, Тошкент Политехника институтининг кафедра мудири, 18-Красноармейск округи.

Набиев Тўлаган, «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш тресті бошқарувчиси, 19-Жданов округи.

Зайцев Борис Андреевич, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 20-Фурманов округи.

Кряжева Белла Васильевна, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг бичиқчиси, 21-Октябрь округи.

Архангельский Валентин Акимович, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири, 22-Ўзбекистон округи.

Хўжаев Олим, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, Ҳамза номли театр режиссёри, 23-Большевик округи.

Содиқов Толип, Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг биринчи секретари, 24-Тельман округи.

Мирзаахмедова Мукаррам Ҳамдамовна, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси, 25-Каттабоғ округи.

Файзиева Зарифа Қосимовна, Тошкентдаги «МИКОНД» заводининг ўлчовчи резистори, 26-Собир Раҳимов округи.

Тожиев Зайниддин Нажмиддинович, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг учинчи курс студенти, 27-Университет округи.

Окунский Владимир Викторович, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 28-Олмазор округи.

Иноятова Мукамбар Йўлдошевна, Тошкентдаги 1-босмахонанинг муқовачиси, 29-Янги турмуш округи.

Саримсоқов Тошмуҳаммад Алиевич, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ректори, 30-Қорақамиш округи.

Малюгин Сергей Михайлович, полковник, 31-Сергели округи.

Захарченко Зоя Васильевна, Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг старший аппаратчиси, 32-Чоштепа округи.

Юмагузина Вера Яковлевна, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, 33-Фрунзе округи.

Короткова Валентина Михайловна, Тошкент Образив буюмлари комбинатининг майдаловчиси, 34-Таштекстильмаш округи.

Ражов Сергей Николаевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, 35-Дзержинский округи.

Агафонов Виктор Павлович, «Таштекстильмаш» заводининг токари, 36-Текстиль округи.

Ҳамидова Малоҳат Толибовна, К. Е. Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг фрезерчиси, 37-Сельмаш округи.

Сивец Виктор Николаевич, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг директори, 38-Жуковский округи.

Турсунхўжаев Аббос Тўраевич, Тошкент тепловоз депосининг машинисти, 39-Шумилов округи.

Абдураззоқов Баҳодир Аббосович, Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари, 40-Горький округи.

Орипов Исмоил Ҳолматович, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг бетончилар бригадаси бошлиғи, 41-Охунбобоев округи.

Петрова Надежда Семеновна, Тошкент Медицина институтининг ички касалликлар кафедраси доценти, 42-Калинин округи.

Маркин Валентин Никитович, «Главташкентстрой» бошлиғи, 43-Гвардейск округи.

Раҳимбоева Карима, Чилонзор районидаги 131-мактаб ўқитувчиси, 44-Гагарин округи.

Марцинюк Иван Витальевич, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, 45-Қатортол округи.

Маншина Мария Николаевна, «Главташкентстрой» 153-қурилиш трестининг 12-қурилиш бошқармаси бўёқчиси, 46-Дўстлик округи.

Абдалин Александр Степанович, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 47-Фарҳод округи.

Тўхтаев Тимур Маҳсудович, Ўзбекистон ССР алоқа министри, 48-Чўпонота округи.

Мелкумов Левон Николаевич, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари, 49-Подмосковний округи.

Волхонская Лидия Петровна, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси иккинчи троллейбус паркининг троллейбус ҳайдовчиси, 50-Саноат округи.

Соқиев Обид, Ўзбекистон КП Чилонзор район комитетининг биринчи секретари, 51-Қуруғчи округи.

Асомов Ҳусниддин, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 52-Дўмбиробод округи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Калимбетова Светлана Михайловна, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг катта аппаратчиси, 53-Олмалиқ округи.

Рамазонов Мнайдар Рамазонович, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори, 54-Олтинтопган округи.

Каймаков Петр Васильевич, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи, 55-Қуруғчи округи.

Мамилина Фаина Михайловна, Оҳангарон цемент комбинатининг кранчиси, 56-Оҳангарон округи.

Краснов Владимир Петрович, «Средазуголь» комбинати Ангрен кўмир разрезининг экскаватор машинисти, 57-Шаҳёр округи.

Сирожиддинов Саъди Ҳасанович, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, 58-Энергетик округи.

Юрин Николай Иванович, меҳнаткашлар депутатлари Ангрен шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 59-Юбилей округи.

Қўзибоев Жума, Ф. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинатининг экскаватор машинисти, 60-Фарҳод округи.

Арсентьев Виталий Борисович, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари, 61-Металлург округи.

Миронова Любовь Егоровна, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 1-цехининг тикловчиси, 62-Пролетар округи.

Қодиров Воҳид, Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори, 63-Химзавод округи.

Анисимкин Иван Георгиевич, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари, 64-Ленин округи.

Ёқубов Фаттоҳ Ғафурович, Ўзбекистон КП Чирчиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари, 65-Комсомол округи.

Ҳайдарова Гавҳар Қодировна, Касаба союзлари Тошкент область советининг раиси, 66-Янгийўл округи.

Чапухова Дляра Ибришевна, Янгийўл ёғ-мой комбинатининг дистилляторчиси, 67-Завод округи.

Поздняков Михаил Иванович, Янгиобод шаҳрининг қурувчилар бригадаси бошлиғи, 68-Янгиобод округи.

Тоиров Сеит Меметович, Ўзбекистон КП Оққўрғон район комитетининг биринчи секретари, 69-Қўрғонча округи.

Абдуллаева Шафоат, Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси, 70-Қуйи Чирчиқ округи.

Глазатов Павел Фёдорович, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари, 71-Қизил Октябрь округи.

Тошхўжаев Пўлат, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, 72-Алимкент округи.

Деҳқонбоев Пўлат, Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозининг звено бошлиғи, 73-Оққўрғон округи.

Шайхов Эркин Турдиевич, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри, 74-Пушкин округи.

Рўзматова Адолат, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригадири, 75-Далварзин округи.

Маҳсумов Зокир Тожиевич, Ўзбекистон КП Бекобод район комитетининг биринчи секретари, 76-Чаноқ округи.

Кўшкинбоев Айдарбек, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз чўпони, 77-Ғазалкент округи.

Маҳмудов Носир, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси, 78-Искандар округи.

Ҳамидов Азиз Ҳакимович, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри, 79-Чорвоқ округи.

Аҳмедова Марям, Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси, 80-Бўка округи.

Эгамбердиев Мавлон, Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг биринчи секретари, 81-Кўқорол округи.

Хван Ман-Гим Григорьевич, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози раиси, 82-Бордонкўл округи.

Шермуҳамедов Саид, Ўзбекистон ССР маориф министри, 83-Янгибозор округи.

Тошқулов Сергей Тошқулович, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 84-Паркент округи.

Давирова Инобат, Юқори Чирчиқ районидаги «Юқори Чирчиқ» совхозининг ишчиси, 85-Жумабозор округи.

Исоқова Мунаввар, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, 86-Юнусобод округи.

Сайдалиев Аҳмад, Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоз бригадири, 87-Келес округи.

Камолов Маҳкам, Ўзбекистон КП Калинин район комитетининг биринчи секретари, 88-Киров округи.

Исроилова Зулфия, «Саодат» журнали редактори, 89-Назарбек округи.

Абдуллаев Ғуломмаҳмуд, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, 90-Қатортол округи.

Алимова Машкура, Пискент районидаги Калинин номли колхоз аъзоси, 91-Пискент округи.

Зокирова Муҳаббат Эшбоевна, Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси, 92-Саид округи.

Истомин Борис Михайлович, Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг иккинчи секретари, 93-Охунбобоев округи.

Ким Пен Хва, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси, 94-Оржоникидзе округи.

Ҳасанова Умри, Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз раиси, 95-Пахтаобод округи.

Бродова Анна Ивановна, Ўзбекистон ССР аҳолига маишийхизмат кўрсатиш министри, 96-Тўйтепа округи.

Бондаренко Лидия Михайловна, Ўрта Чирчиқ районидаги от заводининг ишчиси, 97-Қорахитой округи.

Эргашев Абдулла, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи, 98-Салор округи.

Абдуллаева Карима, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг аъзоси, 99-Гулистон округи.

Шевелев Павел Федорович, ҳарбий хизматчи, 100-Қибрай округи.

Никифорова Раиса Ивановна, Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг сут соғувчиси, 101-Байтқўрғон округи.

Асомов Салоҳиддин, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси, 102-Свердлов округи.

Исматов Маҳмуд, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, 103-Куйбишев округи.

Деҳқонова Холбиби, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси, 104-Ниёзбоши округи.

Зинин Тимофей Григорьевич, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири ,105-Эски Қовунчи округи.

Алимов Акрам Пўлатович, Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетининг биринчи секретари, 106-Эски Тошкент округи.

Гулметов Сотволди, Янгийўл районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз техникумининг трактор чиси, 107-Олмазор округи.

Шохбозов Анвар, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг звено бошлиғи, 108-Чиноз округи.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Илюхин Александр Меркулович, Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг иккинчи секретари, 109-Темир йўл округи.

Қаюмов Пўлат, меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг раиси, 110-Балдин округи.

Охунжонов Одил Иногомович, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг савдо, план ва молия органлари бўлими мудири, 111-Калинин округи.

Раҳматов Исмоил, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудири, 112-Завод округи.

Яковлева Тамара Михайловна, Андижондаги «Электроаппарат» заводининг автоматчиси, 113-Киров округи.

Поветко Владимир Иванович, меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 114-Панфилов округи.

Алиҳонова Ойшахон, Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористкаси, 115-Жданов округи.

Султонов Худойберди, Андижон ёғ-мой комбинатининг директори, 116-Озод округи.

Эгамбердиев Мамадамин, Андижон районидаги «Коммуна» колхозининг раиси, 117-Олтинкўл округи.

Қўчқорова Зулунхон, Андижон районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи, 118-Кўнчи округи.

Ҳасанов Мадаминжон Ҳасанович «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси, 119-Хартум округи.

Каримова Турсуной Раҳматуллаевна, меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 120-Бўтақора округи.

Қаҳҳорова Шарофатхон, Андижон районидаги Жданов номли колхознинг бригадири, 121-Найман округи.

Тожибоев Турсун, Балиқчи районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг тракторчиси, 122-Балиқчи округи.

Эргашева Хайрихон, Балиқчи районидаги «Правда» колхозининг раиси, 123-Чинобод округи.

Тожибоев Абдурашид, Ўзбекистон КП Балиқчи район комитетининг биринчи секретари, 124-Эски Ҳаққулобод коруги.

Назарова Маҳбуба, Бўз районидаги «Мингбулоқ» совхозининг ишчиси, 125-Бўз округи.

Тиллабоев Абдусамад, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, 126-Пойтуқ округи.

Рўзметов Қурбон, Ўзбекистон ССР прокурори, 127-Коммуна округи.

Тожибоев Султон Акбарович, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг ишчиси, 128-Избоскан округи.

Қаюмова Майрамхон, Қўрғонтепа районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси, 129-Қўрғонтепа округи.

Пўлатхўжаев Саъдулла Хўжаевич, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, 130-Ильич округи.

Березин Сергей Матвеевич, «Андижангидрострой» бошқармасининг экскаватор машинисти, 131-Хонобод округи.

Абдураҳмонов Бозорбой Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг директори, 132-Савай округи.

Мамажонов Эргашбой, Ленинск шаҳридаги 1-2-пахта заводининг ишчиси, 133-Ленин округи.

Буткова Валентина Яковлевна, СоюзНИХИ Андижон филиали лабораториясининг мудири, 134-Зарбдор округи.

Вахобов Мавлон Ғаффорович, Тошкент партия мактабининг директори, 135-Мустақкам округи.

Қорабоева Ўғилхон Сотволдиевна, Ленин районидаги «Социализм» колхозининг аъзоси, 136-Оржоникидзе округи.

Йўлдошев Абдуқодир Даминович, Ўзбекистон КП Марҳамат район комитетининг биринчи секретари, 137-Марҳамат округи.

Акбаров Обиджон, Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг бригадири, 138-Комсомол округи.

Эргашева Насибахон, Москва районидаги «Победа» колхози аъзоси, 139-Москва округи.

Рашидов Шароф Рашидович, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, 140-Пахтаобод округи.

Абдуназарова Турсунхон, Москва районидаги «Правда» колхозининг аъзоси, 141-Холдевонбек округи.

Тансиқбоев Ўрол, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР халқ рассоми, 142-Ҳақиқат округи.

Тўхтабоева Турдихон, Пахтаобод районидаги «Правда» колхозининг бригадири, 143-Қўқонқишлоқ округи.

Габриельянц Гайк Аветисович, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, 144-Маданият округи.

Мирзакаримова Марямхон, Хўжаобод районидаги Ленинград колхозининг звено бошлиғи, 145-Булоқбоши округи.

Исмонлов Мамарасул, «Андижаннефть» нефть-газ қазиш бошқармасининг оператори, 146-Қўллун округи.

Ҳасанов Жўра, Ўзбекистон КП Хўжаобод район комитетининг биринчи секретари, 147-Охунбобоев округи.

Содиқова Васила Содиқовна, Ўзбекистон ССР социал таъминот министри, 148-Қатортол округи.

Қаҳҳорова Саодатхон, Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси, 149-Хўжаобод округи.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Омонова Муҳаррам Сирожовна, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг ипак ўровчиси 150-Бухоро шаҳар Ленин округи.

Мастякова Валентина Дмитриевна, 163-қурилиш трестининг Бухоро уйсозлик комбинати арматурачиси, 151-Бухоро шаҳар Марказий округи.

Камолов Умар Ҳамроевич, Ўзбекистон КП Бухоро шаҳар комитетининг биринчи секретари, 152-Бухоро шаҳар Фурқат округи.

Булат Владимир Евгеньевич, Навоий қурилиш бошқармасининг бошлиғи, 153-Бухоро шаҳар Коммунар округи.

Жўмаев Бахтиёр, Қамаши районидаги Ленин номли колхознинг тракторчиси, 194-Тўқбой округи.

Сирожиддинов Зокир, меҳнаткашлар депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 195-Кўкбулоқ округи.

Знёмов Сирож, Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министри, 196-Бешкент округи.

Саркисов Акоп Абрамович, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳузуридаги ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё бош бошқармасининг бошлиғи, 197-Дашт округи.

Тошева Зийнат, Қарши районидаги Энгельс номли колхознинг бригадири, 198-Ертепа округи.

Маҳмудов Қарол, Ўзбекистон КП Косон район комитетининг биринчи секретари, 199-Косон округи.

Даминов Холиёр, Косон районидаги Ленин номли совхоз бригадири, 200-Пўлоти округи.

Ганжиев Ўлжа, Косон районидаги «Қорақум» давлат наслчилик заводининг бош чўпони, 201-Қорақум округи.

Раҳмонова Ҳикоят Баратовна, Китоб районидаги Карл Маркс номли колхозинг механик ҳайдовчиси, 202-Китоб округи.

Муродова Холбиби, Китоб районидаги Свердлов номли колхозининг бригадири, 203-Октябрь округи.

Иброҳимов Мирзаолим, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри, 204-Қуйқибой округи.

Шагазатов Ҳабибулла, Абдумажидович, «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи, 205-Муғлон округи.

Ҳазраткулова Маҳкам, Ульянов районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси, 206-Ульянов округи.

Қорнев Мақсуд, «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори, 207-Чироқчи округи.

Маманова Гулсара Оқбўтаевна, Чироқчи районидаги «Партия-XXIV съезди» колхозининг аъзоси, 208-Қалқамин округи.

Ҳожибоев Аҳмаджан Муҳаммаджонович, ДОСААФ республика комитетининг раиси, 209-Кўкдала округи.

Комилова Муҳаббат, Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикасининг тикувчиси, 210-Шаҳрисабз округи.

Турсунов Миннаввар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, 211-Шаҳрисабз қишлоқ округи.

Бобоёров Ғани, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз раиси, 212-Чоршанба округи.

Ғуломова Марҳамат, Шаҳрисабз районидаги Киров номли колхознинг механик ҳайдовчиси, 213-Мироқи округи.

Қудратов Усмон, Яккабоғ районидаги Калинин номли колхоз бригадири. 214-Сандал округи.

Светленко Георгий Георгиевич, Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетининг иккинчи секретари, 215-Яккабоғ округи.

Ҳусанова Жонгул, Яккабоғ районидаги «Правда» колхозининг аъзоси, 216-Қишлиқ округи.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Тўрабоева Тўхтахон, Наманган тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористраси, 217-Марказий округи.

Абдуллаева Ширинбиби, Наманган шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси, 218-Текстиль округи.

Ҳусниддинов Иброҳим Камолович, Ўзбекистон КП Наманган шаҳар комитетининг биринчи секретари, 219-Ленин округи.

Хўжаев Фаҳриддин, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри, 220-Энгельс округи.

Иброҳимов Суннат Иброҳимович, Ўзбекистон ССР қурилиш министри, 221-Куйбишев округи.

Григорьева Валентина Михайловна, 10-қурилиш трестининг Наманган бинокорлик материаллари комбинати кранчиси, 222-Фрунзе округи.

Турдиев Қулибой, Наманган трансформатор заводининг ишчиси, 223-Коммунистик округи.

Бадалов Собир, Задарё районидаги «Гигант» колхозининг раиси, 224-Жумашўй округи.

Ингиталиев Давлатали, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг бўлим бошқарувчиси, 225-Гулбоғ округи.

Тен Хай-Гюн, меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 226-Калинин округи.

Аҳмедова Бубилол, Наманган районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси, 227-Тошбулоқ округи.

Бобохонов Маматхон, Ўзбекистон КП Тўрақўрғон район комитетининг биринчи секретари, 228-Сайрам округи.

Маврулова Мунаввар, Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз аъзоси, 229-Шоханд округи.

Мусаева Қумри Рашидовна, 1-Учқўрғон тўқимачилик комбинатининг бош врачи, 230-Учқўрғон округи.

Абдураҳмонов Жоркин, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз тракторчиси, 231-Кўгай округи.

Абдураззоқов Малик Абдураззоқович, Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри, 232-Ҳаққулобод округи.

Рашидова Жонгул, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг бригадири, 275-Каттақўрғон қишлоқ округи.

